Кристиан Монс: Ўзбекистон эришган ютуқлар бизни лол қолдирди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 12 февраль куни мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган француз ишбилармонлари билан учрашди. Хабар қилинганидек, ушбу делегацияга Франция корхоналари уюшмасининг Ўрта Осиё ва Кавказорти мамлакатлари билан ҳамкорлик бўйича қўмитаси раиси Кристиан Монс рахбарлик қилмоқда. Франциянинг йирик банклари, етакчи корпорациялари, шунингдек, иқтисодиётнинг муҳим таянчи ҳисобланган кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланувчи корхоналари мазкур уюшма таркибидан жой олган. Ўзбекистонга ташриф буюрган делегация сафида уларнинг кўпчилигидан вакиллар бор.

Дўрмон қароргоҳида бўлиб ўтган мулоқот чоғида давлатимиз раҳбари француз ишбилармонларининг бу ташрифи Францияда Ўзбекистонга қизиқиш тобора ортиб бораётганини яна бир бор тасдиқлашини ҳамда икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларнинг янада ривожланишига янги имконият яратишини таъкидлади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон-Франция иқтисодий муносабатларига назар ташласак, ўзаро алоқалар йилдан-йилга кенгайиб бораётганини кузатиш мумкин. Мисол сифатида товар айирбошлаш ҳажми кўрсаткичларини келтириш мумкин. Бу борадаги кўрсаткич 1995 йилда 16 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, ўтган йили у 172 миллиондан ошди.

Учрашувда Президент Ислом Каримов меҳмонлар диққатини, асосан, Ўзбекистон иқтисодиётига сармоя ётқизиш масалаларига қаратди. Хусусан, 1998 йилда ўзлаштирилган сармоя ҳақида тўхталиб, бундан фақат хорижий манбалар ажратилса, у 1,2 миллиард АҚШ долларини ташкил этишини алоҳида қайд этди. Жорий йил учун ҳам сармоя дастури тасдиқланган. Унга киритилган лойиҳалар устувор, деб белгиланган ва бу йил 2,3 миллиард долларлик сармояни ўзлаштириш кўзда тутилмоқда, деди Ислом Каримов.

Давлатимиз раҳбари етакчи француз ишбилармонларидан иборат йирик делегациянинг Ўзбекистонга катта қизиқиш билан ташриф буюриши бир неча омил билан изоҳланишини айтди. Аввало, мамлакатимиздаги сиёсий ва иқтисодий барқарорлик. Ҳар қандай давлатда сиёсий ва иқтисодий барқарорлик ҳукм сурмас экан, у ерга хорижий сармоя жалб этишга уринишдан фойда йўқ. Хорижий ишбилармон учун энг муҳими юртдаги тинчлик ва иқтисодий барқарорликдир. Фақат ана шу икки омил ётқизилган сармоя эртага фойда билан қайтишини кафолатлай олади. Собиқ иттифоқ ҳудудидаги янги мустақил давлатларда Ўзбекистондаги каби сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан барқарор вазиятни топиш мушкул.

Иккинчидан, Ўзбекистон жуда катта табиий заҳирага эга. Бу заҳиралар сирасига рангли металлар, нефть ва газ, пахта ва ипак, шунингдек, кўплаб бошқа стратегик хомашёларни киритиш мумкин. Президент Ислом Каримовнинг таъкидлашича, америкалик мутахассислар ҳисоб-китобларига кўра, Ўзбекистоннинг табиий заҳираси пулга чақилганда, 3 триллион АҚШ долларини ташкил этади.

Хорижлик мутахассисларнинг эътибор ва қизиқишини кучайтирган яна бир муҳим омил инсоний ресурслардир. Ўзбекистон жуда кўп малакали мутахассисларга эга, уларнинг билим ва маҳорати хорижлик ҳамкасбларидан асло қолишмайди. «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ва хорижлик ҳамкорлар билан биргаликда бунёд этилган бошқа йирик иншоотларда меҳнат қилаётган ишчиларнинг деярли барчаси маҳаллий аҳоли вакилларидан ташкил топгани бунга яққол мисол бўла олади. Ўзбекистонда ишчи кучи нисбатан арзон. Бинобарин, хорижлик шериклар ўз маҳсулотини Ўзбекистонда ишлаб чиқаришни йўлга қўйса, маҳсулот сифати ўзгармаган ҳолда, унинг таннархи анча арзон тушади. Бу икки томон учун ҳам фойдалидир.

Хорижликларнинг Ўзбекистонга қизиқиши тобора ортаётганининг яна бир муҳим шарти шуки, давлатимиз ишончли тўлов қобилиятига эга, деди Ислом Каримов. Ўзбекистон ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда сармоя жалб этади. Яъни, ўз ташқи иқтисодий сиёсатини жалб қилинган сармоя ўзлаштирилгач, албатта фойда бериши зарур, деган нуқтаи назар билан юритади. Шунга кўра, устувор соҳалар белгиланади, сармоядорларга кўплаб имтиёзлар берилади, шарт-шароит яратилади. Айрим давлатларда бўлгани сингари, сармояни олиб, кейин уни вақтида ўзлаштира олмай, қарзга ботиш Ўзбекистоннинг сармоявий сиёсатига ётдир.

Давлатимиз раҳбари меҳмонлар делегацияси вакиллари орасида Ўзбекистон билан анчадан буён ҳамкорлик қилиб келаётган айрим банк ва компаниялар вакиллари ҳам борлигини айтиб, икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга ҳисса қўшаётгани учун уларга миннатдорлик билдирди. Бу банк ва компаниялар сирасига «Сосьете женерал», «Банк креди ду Франс», «Текнип», «Топмсон», «Буиг»-ни кўшиш мумкин. Шунингдек, Ислом Каримов Франция ишбилармонларидан иборат йирик делегациянинг Ўзбекистонга ташрифини ташкил этишга катта ҳисса қўшган ва ушбу мулоқотда иштирок этаётган Франциянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жан-Клод Ришар фаолиятидан ҳам мамнуният изҳор этди.

Учрашувда Ўзбекистондаги хусусийлаштириш жараёнига ҳам эътибор қаратилди. Президент Ислом Каримов айни пайтда юртимиздаги айрим йирик корхоналар акцияларига халқаро тендер эълон қилинганини айтиб, бу танловда франциялик ҳамкорларнинг иштирок этишига умид билдирди. Энергетика, коммуникация, машинасозлик ва шу жумладан қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, автомобилсозлик, самолётсозлик, нефть кимёси, сайёҳлик, кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш каби соҳаларда истиқболли ҳамкорлик ўрнатиш мумкинлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари меҳмонларга Ўзбекистон — Франция банкини ташкил этиш таклифини ҳам билдирди. У қўшма лойиҳаларни молиялаштириш, қўшма корхоналар ҳисоб-китобини юритишдан ташқари, сармоядорлар фаолиятини кафолатловчи муассаса сифатида ҳам фаолият кўрсатган бўлур эди, деди Ислом Каримов.

Франция корхоналари уюшмасининг Ўрта Осиё ва Кавказорти мамлакатлари билан ҳамкорлик бўйича қўмитаси раиси Кристиан Монс самимий мулоқот ва Ўзбекистондаги шарт-шароит билан таништиришдаги очиқлик учун Президент Ислом Каримовга миннатдорлик билдирди. Россия ва бошқа давлатлардаги инқирозни ҳисобга олганда Ўзбекистондаги юксалишлар мамлакатимизнинг тўғри иқтисодий сиёсат юритаётганини кўрсатишини таъкидлади. Меҳмон Ўзбекистон Ўрта Осиёда етакчи ўринни эгаллаётганини қайд этар экан, мамлакатимиз эришган ютуқлардан лол қолганини яширмади. Биз Францияга Ўзбекистонда ҳеч қандай хавотирсиз иш бошлаш мумкин, деган ишонч билан қайтамиз. Мамлакатингиз иқтисодиётида кечаётган ўзгаришларда француз ишбилармонларининг ҳиссаси кўпайишини истаймиз, деди у.

К. Монс Ўзбекистонни стратегик ҳамкор, деб билишини айтиб, юртимизга ташрифидан кўзланган мақсад ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш учун янги имкониятлар очишдан иборат эканини маълум қилди ва Президентимизга ўттизга яқин лойиҳа рўйхатини топширди. Мазкур лойиҳалар бўйича томонларни қизиқтирган масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси В. Голишев, Бош вазир ўринбосари Б. Ҳамидов ва бошқа расмий кишилар иштирок этди.

Анвар БОБОЕВ,
(ЎзА)

Суратда: қабул пайти.
Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 13 февраль, шанба • № 19 (24.414).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Лоқайдликка йўл қўймайлик

Маълумки, 1998 йилнинг охирида ва жорий йилнинг ўтган даврида жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида грипп ва бошқа юқумли касалликлар бўйича эпидемиологик вазият мураккаблашди. Шу йилнинг январь ойида Хитой Халқ Республикаси, Россия Федерацияси, Украина, Белорусь, Молдова ва Болтиқбўйи давлатларининг йирик шаҳарларида грипп эпидемияси кенг тарқалгани қайд этилди. Бу давлатларнинг айрим шаҳар ва аҳоли пунктларида мактаблар, боғчалар, ўқув юртлари ёпиб қўйилди. Ўзбекистонда айни пайтда эпидемик вазият унчалик хавфли эмас, лекин хотиржамликка йўл қўйиб бўлмайди. Республикамизнинг дунёдаги кўпгина мамлакатлар билан кенг иқтисодий-сиёсий алоқаларини, аҳоли миграциясини ва бошқа шунга ўхшаш омилларни ҳисобга олсак, грипп эпидемиясининг мамлакатимиз ҳудудига кириб келиши ва кенг тарқалиши хавфи мавжуд. Вазирлар Маҳкамасида ўтказилган республика эпидемияга қарши кураш фавқулодда комиссияси (ЭКФК) йиғилиши ҳам ана шу масалага бағишланди. Унда мазкур комиссия аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ЭКФК раислари, вилоят ҳокимларининг ўринбосарлари, тегишли вазирликлар, идоралар, ташкилотлар ва муассасаларнинг, тиббиёт ташкилотларининг раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишни Бош вазир Ў.Султонов бошқарди.

Республика Бош давлат санитария врачи, соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Б. Ниёзматов мамлакатимизда грипп ва ўткир респиратор касалликлари билан касалланишнинг аҳволи ва уларнинг олдини олиш бўйича ўтказилиши лозим бўлган чора-тадбирлар ҳақида маъруза қилди.

Тошкент шаҳар санитария эпидемиология Бош бошқармаси бошлиғи С. Сайдалиев, Фарғона вилоят санитария эпидемиология станциясининг бош врачи Н.Маликов, Самарқанд вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Ё.Қўшмуродов, Сурхондарё вилоят санитария эпидемиология станцияси бош врачи Н.Тўраев, Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Д. Бобоназаров, Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий текшириш институти директори М. Ҳакимов ва бошқалар сўзга чиқиб, жойлардаги вазият ҳамда вирусли грипп касаллигининг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ахборот берди.

Бироқ шуни очиқ айтиш лозимки, уларнинг ахборотлари ҳақиқий аҳволни яхши ўрганилмай, кўр-кўрона тайёрланган. Айрим раҳбарлар ўз вазифасига масъулиятсизлик билан ёндошгани сабабли ҳудуддаги ҳақиқий вазиятдан хабардор эмас. Мисол учун пойтахт санитария эпидемиология Бош бошқармаси бошлиғи С. Сайдалиев ахборотида шаҳарда гриппга чалинган беморлар сони бўйича аниқ статистик маълумотлар йўқ. Касалликнинг олдини олиш борасида ташвиқот-тарғибот ишлари етарли бўлмагани учун ҳам бу ердаги вазият кескин тус олмоқда. Бундай аҳволни мамлакатимизнинг барча вилоятларида учратиш мумкин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги, унинг вилоятлардаги бошқармалари, санитария эпидемиология станциялари фаолиятини жонлантирмасдан туриб кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Вирусли гриппнинг олдини олиш ва унинг кенг тарқалиб кетишига йўл қўймаслик учун биринчи навбатда профилактика ишларини яхшилаш, бу борада бутун кучғайратни сарфлаш талаб этилади. Зудлик билан мактаблар, болалар боғчалари, жамоат жойларида кенг тушунтириш ишларини олиб бориш лозим. Шунингдек, касалликнинг олдини олиш, беморларни даволашда ишлатиладиган дори-дармонлар ҳамда диагностикумлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бозорларда, аҳоли яшаш жойларида санитария талабларига қатъий риоя этиш, ахлат ва бошқа чиқиндиларнинг тўпланиб қолишига йўл қўймаслик, саранжом-сариштелик ҳам бу касаллик тарқалишининг олдини олишда муҳим омилдир.

Йиғилишда гриппнинг республикамизда кенг тарқалишининг олдини олиш учун тиббий муассасалар билан бирга турли нодавлат ташкилотлари, жамғармалар ҳам фаол иштирок этиши зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Алимов, Бош вазир ўринбосари Ҳ. Кароматов сўзга чиқди.

(ЎзА)

Баркамол шахс маънавияти

Халқимиз ва давлатимизнинг маънавият соҳасида йигирма биринчи асрга мўлжалланган ҳаракат дастури — онгли турмуш, мустақил фикрга эга, юксак маънавиятли эркин фуқарони камол топтириш вазифалари Президент Ислом Каримовнинг «Туркистон» газетаси мухбири саволларига жавобларида ҳамда Юртбошимизнинг таълим-тарбия хусусидаги фикрлари жамланган «Баркамол авлод орзуси» тўпламида баён этилган. Бу ғоят муҳим ва долзарб масалалар ҳақида Тошкент шаҳар ҳокимлигида ўтказилган илмий-амалий анжуманда батафсил фикр юритилди.

«Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, халқ таълими, туман ҳокимликлари вакиллари иштирок этган мазкур анжуманда маъруза қилган таниқли олимлар мамлакатимиз фуқароларининг тафаккурини Йўлбошчимиз асарларида илгари сурилган фикрлар асосида бойитиш, ёшларни миллатни, халқни бирлаштирувчи миллий ғоя руҳида тарбиялаш, бизга хавф солаётган мафкуравий таҳдидлардан огоҳ этиш ҳусусида ўз мулоҳазаларини билдирдилар. Шу муносабат билан яширинча фаолият кўрсатишга уринаётган «Хизбут таҳрир ал-исломий» гуруҳининг ҳали онги шаклланиб улгурмаган, тажрибасиз ёшларимизни ўз тузоғига илинтиришга, турли йўллар билан уларнинг миясини заҳарлашга қаратилган ҳаракатларининг пучлиги алоҳида таъкидланди.

Анжуманда меҳнат жамоалари, ўқув юртлари, аҳоли турар жойларида маърифий-амалий ишлар самарадорлигини ошириш борасидаги чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Илмий-амалий анжуманда республика Бош вазирининг ўринбосари Ҳамидулла Кароматов сўзга чиқди.

(ЎзА)

Тафаккуримизнинг бош ғояси

Мустақилликнинг ўтган қисқа даврида қандай асосий хулосаларга келиш мумкин? XXI асрда маънавиятимизнинг бош ғояси нималардан иборат бўлмоғи лозим? Шу ва шу каби долзарб масалалар Президентимизнинг «Туркистон» газетаси мухбири саволларига берган жавобларида батафсил ёритилади. Истиқлолга эришганимиздан кейинги етти йиллик ҳаётимиздан муҳим хулосалар чиқарилади. Маънавиятимиз тараққиётининг асосий йўллари белгилаб берилади.

Республика Прокуратурасида «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари Бош муҳаррирининг биринчи ўринбосари Салим Ашуров, Бош муҳаррир ўринбосари Норбобо Шакаров иштирокида бўлиб ўтган Юртбошимизнинг «Туркистон» газетаси мухбири саволларига берган жавобларини ўрганиш бўйича ўқув машғулотда ана шулар ҳақида сўз борди. Давлатимиз ҳуқуқий демократик, эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлидан бораётган экан, адолат ҳаётимизнинг асосий мезонидир. Адолатни қарор топтиришда эса прокуратура органларининг аҳамияти катта. Машғулотда Юртбошимиз билдирган фикрларнинг аҳамияти, илгари сурилган ғоялар, уларнинг моҳияти атрофлича баён қилиб берилди.

Машғулотни Республика Прокуратураси ўқув марказининг раҳбари, учинчи даражали давлат адлия давлат маслаҳатчиси Фахриддин Раҳимов бошлаб берди.

(Ўз мухбиримиз)

Кўприк қурган элда азиз

«Ўзбекистон овози» газетасининг 1998 йил 3 ноябрь сонида «Ўлсам айрилмасман қучоқларингдан» сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Муаллифлар Сурхондарё вилоятидаги Сангардак дарёсидан ўтиш, яъни «Кечув» воқеасини мазкур мақолага киритган эдилар. Яқинда тоғ дарёсининг худди ана шу кечув жойи яқинида сел ва тошқин бузиб ташлаган улкан кўприк қайтадан қурилди.

30 тонна юкка бардошли бўлган темир-бетон ва пўлат тўшамалар ишлатилган мустаҳкам кўприк устидан барча автоуловлар, қишлоқ хўжалик техникалари ҳар икки қирғоқ томон бемалол ўта бошлади.

Мустаҳкам ҳамда бардошли кўприкни қуришда Сарниосиё туман йўл қурилиши ва таъмирлаш бўлими (бошлиғи Абдувоҳид Қодиров), «Сангардак» ширкат хўжалиги (раиси Шаҳобиддинҳожи ота Низомиддинов) ҳамда саховатли қўплаб сангардакликлар ўзларининг муносиб улушларини қўшдилар.

Сафарали ЭШМИРЗАЕВ

Насиябозлик ҳалқаси

ёки ўз эгасини топмаётган миллион-миллионлар

Журналист текшируви

Қарздорлик энг ёмон ҳолат. Ҳаммадан одамнинг териси юпқа бўлса, қарздор бўлиб қолса борми, кечалари ҳам уйқу билмайди. Еяётгани ширидан ширин таомлари ҳам татимайди унга. Турса ҳам, ётса ҳам нимадир ичини тимдалайди, ачитади, гўё. Бу кишилардаги ҳолат — чўнтакдан чиқариб, чўнтакка тушаётган маблағ бўлганлиги учун ҳам шундаймикан? Ёки оддий қилиб айтганда пешона тер эвазига топилаётган пулнинг қадри баландроқми? Машойихлардан бири пул — жигардан яралади, деган. Шундай экан, нега энди айрим катта-кичик ташкилотлардаги ҳолат бундай эмас? Миллион-миллион қарз бўла туриб ҳам тепса тебранмас бўлиб келмоқда? Улардаги раҳбарлар онгида шаклланган «давлатники», деган кайфиятдамилар?

Яқинда Тошкент вилояти газлаштириш бошқармасида бўлганимда, жамоанинг бош раҳбари Абдубаҳром Вакилов қўлимга бир талай ҳужжатларни тутқазди. Мўъжаз варақдаги жумла ва рақамларга кўз югуртирдим. Унда 1999 йил 1 февралгача бошқармадан қарздор корхона ва ташкилотларнинг қарзи 10 миллиард 859 миллион 614 минг сўмдан ошиб кетганлиги акс этганди. Энг катта қарздорлардан бири «Ўзкимёсаноат» концерни ташкилотлари 1 миллиард 635 миллион 520 мингдан ошиқ. Электрлаштириш вазирлигига қарашли ТошДИЭС ва Янги Ангрен ДИЭС корхоналарининг ўзи 6 миллиард 904 миллион 430 минг сўм бирлашмадан қарздорлик «байроқдор»-ларидан эканлигини қандай тушуниш мумкин? Ушбу ташкилотларнинг қарзи жами қарзнинг 89,9 фоизидан ошиғини ташкил этар экан.

Бундан ташқари «Ўзмашхолдинг», Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Олмалиқ тоғ металлургия комбинати каби вазирлик ва корхоналар борки улар гарданидаги қарз жами қарзининг 6,5 фоизини ташкил этади.

Албатта, бу улкан рақамларга эга қарздорларни кўриб ўйланиб қоласан. Қарзни тўлашга ошиқмаётган корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари кечалари қандай тинч ухлашаётганлигига ҳайрон қоласан, киши. Энг асосийси, у ерда меҳнат қилишаётган омманинг эртаси тақдирига, тўғриси, бунчалар бефарқлигига ачинасан. Ахир уларнинг ҳам ширин орзулари бор. Тўйлар қилиш, уйлар қуриш каби ниятларига қарздор ёки қарзи бор корхона ёхуд ташкилотнинг нафи тегармикан? Эртасини ўйлаб ишлаб чиқаришни маромида олиб бораётган, сифатли бозорбоп, харидорбоп маҳсулот тайёрлаётган жамоа ҳеч қачон қарздорлик ботқоғига ботиб қолмаслиги аниқ-ку?

Хўш, ана унда тўлов муддати ўтказиб юборилаётган бундай дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг пайдо бўлишига сабаб нима?

— Якунлаган йилнинг 11 ойидаёқ 7 миллиард киловатт соатдан ошиқ электр энергия ишлаб чиқардик. Ҳатто бу режадагидан ташқари 31 миллион киловатт соат электр энергиядир, — дейди Янги Ангрен ДИЭС раҳбари Эргаш Шоисматов. — Шунга қарамай тан олишимиз керак, вилоят газ идорасидан қарздормиз.

Асосан бизнинг қарзлар Тошкент вилояти электрлаштириш тармоқларидадир. Мазкур ташкилотнинг раҳбари Мелис Абдумаликовга мурожаат қилавериб армонимиз қолмади. Иккинчидан Янги Ангрен ДИЭС маҳсулотни тўғридан-тўғри сотмайди. Бу ишни фақат марказлаштирилган ҳолда вазирлик ҳал қилади. Биз фақат шартнома тузишнигина амалга ошириб қолаяпмиз...

— Тўғри, «Тошвилоятгаз» бошқармасидан 1 миллиард сўмдан ошиқ миқдордаги қарздорликка эгамиз, — дейди «Ўзкимёсаноат» уюшмаси раиси ўринбосари Леонид Эгамбердиев. — У уюшмамизни ҳам дебиторлик ва кредиторлик қарзлар чангалига олди. Бундай ҳолатлар бир маромда иш олиб боришликка ўз таъсирини ўтказмай қўймаётир. Масалан, уюшмамиздан Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ташкилотларининг қарзи 17 миллиард сўмга етган...

Биз шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 24 январдаги «Тўлов интизомини ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармонга мурожаат этдик. Унда «Белгилаб қўйилсинки, хўжалик юритувчи субъектларнинг муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзининг ҳосил бўлганлиги учун тижорат банкларининг раҳбарлари корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбари билан биргаликда шахсан жавоб берадилар», дейилган. Шу мақсадда «Тошвилоятгаз» бошқармаси ҳисоб рақами жойлашган Тошкент вилоят саноат қурилиш банки бошқаруви раҳбари Абдусаид Тошановга мурожаат қилдик.

— Президентимизнинг ушбу Фармони катта ишларни амалга ошираяпти, лекин бари бир минг тиришмайлик, олдиндан ҳосил бўлган дебиторлик, кредиторлик қарзлар тўпланиб қолаётганлиги салбий ҳолатларни туғдирмоқда, — дейди у ўз ишидан ачингансимон. — Бари бир ўзаро қарздорликни қисқартирмасак, назорат қилишимиз ҳам қийинлашаверади. Энг аввало корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари, қолаверса, бош ҳисобчиларию бош муҳандисларининг бу борадаги масъулиятини ошириш керакка ўхшайди...

Ҳисоб-китоблар ҳар кунлиги қилиб борилса қарздорликни вақтида олди олинади. Агар қарз бир ой кечикилдими унга банк томонидан пеня кетади. Қарабсизки, қарз кўпайиб кетаверади. Яқинда «Тошвилоятгаз»га қарздорлари кўпайиб кетганлигини ҳисобга олиб ҳукуматимизнинг 428/57 қарорининг 6 бандига асосан 50 миллион сўм ёрдам кредит бердик.

Тўғри, банк икки ташкилот учун ўртадаги воситачи, десак ҳам бўлади. Икки ташкилотнинг ҳам халқ учун манфаат келтиришини ўйлаяпмиз.

Аллакимларнинг киссасида юрган миллион-миллион пулни ололмагандан сўнг «Тошвилоятгаз» бошқармаси идорасидагилар ҳам танг аҳволда қолмоқда. Бу ҳолат яхшигина кўрсаткичга эришаётган ташкилотнинг асосий бўғинларини фалаж ҳолатига келтириб қўйди. Қисқаси бозор муносабатлари шароитида насиябозлик билан иш юритиш аянчли ҳолатларни келтириб чиқаришини бу ерда яққол кўрамиз.

— Маблағлар ўз ўрнида, ўз вақтида ҳаракатда бўлса, катта-ю кичик жамоага фақат фойда келтиради. Буни бизнинг бошқарма мисолида айтсак, маблағларимизга ўзимиз эга бўлолмаётганлигимиз сабабли имкониятларимизни тўлиқ ишга сололмаяпмиз, — дейди Тошкент вилояти газлаштириш бошқармаси бошлиғи Абдибаҳром Вакилов куйиниб. — Миллиардлаб сўм маблағимизни ололмаяпмиз. Оқибати бошқармамизда ҳам иқтисодий қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Агар бу ҳолатлар бўлмаганида ишимиз бугунгидан-да юришарди. Ҳеч бўлмаганда янги уй-жойга ўтаётган аҳолига газ ўлчагич асбобларини ўрнатиб бера бошлардик. Пул, маблағ йўқлигидан бу оддий ускуналарни ўрнатиш ҳам муаммо бўлиб турибди. Фалон пуллик бу асбобларни одамлар ўрнатиб олишлари осон бўлмаётир-да.

Ҳар бир ташкилотнинг ўз муаммоси бўлиши табиий ҳол. Лекин биз тилга олганчалик эмасда. Кўриниб турибдики, ўзаро бир-бирига бундай таъсирдан ишлаб чиқариш ривожи ўрнига, тўсиқлар пайдо бўлаётир. «Тошвилоятгаз» идорасининг вазирлик, ташкилот ва аҳолидаги қарзи 11 миллиардга яқинлашган. Демак, насиябозлик билан иш юритиш бугунгидан эртани, эртангидан индинни анячли ҳолатга келтириб қўяверади.

Маъмуржон ҚИЁМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Журналистларини асрай олмаётган мамлакат

Колумбия журналистлар энг кўп қурбон бўлаётган мамлакатдир. Бу ҳақда Халқаро матбуот институти тарқатган маърузада маълум қилинди. Унда айтилишича, ўтган йили Колумбияда 10 нафар журналист иш пайтида ҳалок бўлган. Шунингдек, бу ерда наркомафия ва уюшган жиноий гуруҳ жангарилари журналистларга доимий равишда таҳдид солиб келаётир. Ўтган йили ҳалок бўлган журналистларнинг аксариятини ҳам наркомафия ва қуролли гуруҳлар фаолиятини фош қилувчи мақолалар эълон қилган ҳамда ҳокимиятнинг юқори поғонасида коррупция билан боғлиқ текширувлар ўтказганлар ташкил қиладилар.

Маърузада айтилишича, рўйхатнинг Колумбиядан кейинги поғонасини Россия эгаллаган. У ерда ўтган йили беш журналист ҳалок бўлган.

Қор бўрони сабаб...

АҚШнинг Невада ва Юта штатларида кучли қор бўрони юз бергани сабабли қатор шаҳарларда ҳаёт мароми издан чиқди. Хабарларга қараганда, сўнгги бир неча кун давомида Сьерра-Невада тоғларида уч метр қалинликда қор ёққан. Баъзи шаҳарларида кўплаб маъмурий муассасалар фаолияти бутунлай тўхтаб қолди.

Табиий офат Калифорния штатини ҳам четлаб ўтмади. Қор аралаш ёққан кучли ёмғир туфайли шаҳарларни бирбирига боғловчи катта йўлларда ҳаракат тўхтади. Бу ерда шамолнинг тезлиги соатига 100 километрга етгани қайд қилинган.

Мексикада яна вулқон

Мексика жанубий-ғарбидаги Колима вулқони ўчоғида кучли портлаш рўй берди.

Маълумотларга қараганда, вулқонга яқин ҳудудларда Рихтер шкаласи бўйича 4-5 балли зилзила ҳам қайд қилинган. Вулқон оғзидан оқиб чиққан қайноқ лойқа оқава беш километргача майдонни қоплади. Вулқон яқинида жойлашган бир неча қишлоқ аҳолиси тураржойини ташлаб кетишга мажбур бўлди.

Сунъий йўлдошлар учиришни давом эттиради

Шимолий Корея сунъий йўлдошлар учиришни давом эттиради. КХДРнинг БМТдаги доимий вакили ўринбосари Ли Ген Японияннинг «Киодо Цусин» ахборот маҳакамаси саволларига жавоб берар экан, шуни таъкидлади. Унинг сўзларига қараганда, сунъий йўлдош учиришга ҳар қандай давлатнинг ҳуқуқи бор, шунинг учун келажакда Шимолий Кореянинг «Кванменсон-2» ва «Кванменсон-3» йўлдошларининг учирилишини табиий қабул қилиш керак. КХДР АҚШ билан ўзининг ракета дастури борасида музокара ўтказишга тайёр, деди у.

(ЎзА)

Адолат мезони

Истиқлол даврида Ўзбекистон таълим тизимини кузатган киши бу соҳадаги жиддий ютуқларни эътироф этмай иложи йўқ. Ютуқлар қанчалик салмоқдор бўлмасин, олий ва ўрта махсус таълим тизимининг энг асосий ютуқларидан бири бошқа ёқда. Яъни, ўқув юртларига қабул қилишда адолат ўрнатилганидадир. Бу ютуқни дунё ҳам эътироф этмоқда. Таълим тизимида адолат ўз-ўзидан келиб қолгани йўқ. Олий ва ўрта махсус билим юртларига қабул тест усулида ўтказилмоқда. Тест синовлари ўтказиш шундай ташкил қилинмоқдаки, ноҳақлик ва адолатсизликка мутлақо ўрин қолмаяпти.

Адолат осмондан тушиб, қотиб қоладиган нарса эмас. У фуқароларнинг интилишлари, ҳаракат ва қатъиятларига мос равишда ўзгариб, ривожланиб боради.

Тест синовлари якунлари бўйича қабул балларининг қуйи чегараси белгиланади. Айтайлик, муайян мутахассислик учун бу чегара 190 балл қилиб белгиланган. 190 дан юқори балл олган абитуриентлар талабалар сафига киритиладилар ва улар 5 йил давомида бепул ўқийдилар. Амалдаги қабул қоидаларига кўра, абитуриентларга пул тўлаб ўқиш имконини берадиган балларнинг ҳам қуйи чегараси белгилаб қўйилади. Биз кўраётган мутахассислик бўйича у 175 балл даражасида бўлди, дейлик. Унга кўра 175-189 балл тўплаган абитуриентлар ҳам талабалар сафига қабул қилинади Лекин улар ўқиш учун 5 йил давомида пул тўлайдилар. Ана энди мулоҳаза учун муаммо мавжудлиги кўзга ташланади. Яъни, 190 балл тўплаган талаба 5 йил бепул ўқийди. 189 ёки 188 балл тўплаган талаба эса 5 йил пул тўлаб ўқийди. Шуниси ҳам борки, 190 балли талаба яхши ўқиса ҳам, ёмон ўзлаштирса ҳам барибир ўқиш учун пул тўламайди. Бу ҳам майли, у ёмон ўзлаштирса ҳам, давлат унга стипендия тўлайди. 189 балл тўплаган талаба эса ҳар қанча яхши ўқигани билан у ўқиш учун барибир пул тўлаши керак. Шу ҳол адолат тамойилларига қанчалик тўғри келаркин? Шуниси ҳам борки, 190 балли талаба 5 йил давомида ёмон ўқиса ҳам ҳеч нарса йўқотмайди. У ўқишга пул тўламайди, стипендияни эса олаверади. 189 балли талабанинг яхши ўқишга интилиши учун рағбат йўқолади. Чунки у қанчалик яхши ўқимасин, барибир ўқишга пул тўлайди. Шунинг учун у энди номигагина ўқиб, диплом олиш пайида бўлади. У фанлардан қониқарсиз баҳо олмай «3»га ўқиса бўлди. Унга барибир диплом беришади. Кўриниб турибдики, бу талабалардаги мавжуд имкониятларни ишга солишга тўсиқлик қилмоқда. Адолатнинг энг муҳим мезонларидан бири унинг жамият, инсон тараққиётига қанчалик хизмат қилишидадир. Шуни назарда тутиб, олий ва ўрта махсус ўқув юртларига қабул қоидаларига қўшимча яна баъзи ислоҳотлар ўтказилса, ёмон бўлмасди, деб ўйлайман.

Менда таклиф бор

Бу ислоҳотлар талабаларнинг ақлий салоҳиятларини тўла ишга солишга йўналтирилган бўлиши керак. Аввало, талабаликка қабул қилишнинг ҳозирги тартибини тўла сақлаб қолиш даркор. Лекин абитуриент етарли балл тўпласа, унга фақат бир йил бепул ўқишга имтиёз бериш керак. Биринчи курсдаги икки семестр жорий имтиҳонлари якунига кўра, талаба паст балл тўпласа, иккинчи курсда у пул тўлаб ўқисин. Биринчи курсга пул тўлаш шарти билан қабул қилинган талаба агар дастлабки икки семестрда юқори балл тўпласа, унга иккинчи курсда бепул ўқиш имконини бериш зарур. Кейинги курсларда ҳам худди шундай тартиб жорий қилинса, талабалар орасида соғлом рақобат муҳити вужудга келади. Талабанинг навбатдаги курсда ўқиши учун пул тўлаш ёки тўламаслигини белгилашда унинг жамоат ишларида қатнашиши, хулқи ҳам ҳисобга олиниши керак. Лекин етакчи ва ҳал қилувчи кўрсаткич у тўплаган баллар миқдори бўлиши лозим. Шу тартибни курс якунларига эмас, семестр якунларига кўра ҳам жорий қилиш мумкин. Соғлом рақобатни вужудга келтирадиган шундай тартиб талабаларнинг юқори малакали мутахассислар бўлиб етишишига, демакки, мамлакатимизнинг янада гуллаб-яшнашига катта туртки беради. Бепул ўқиш учун тегишли балларни тўплай олмаган талабаларга пул ишлаб ўқишга тўлашлари учун шарт-шароит яратиб бериш лозим. Бунинг учун ёзги таътил пайтида ташкилий равишда уларни турли хил юмушларни бажаришга жалб қилиш мумкин. Ўқиш даврида ҳам уларни почтальонлик, қоровуллик, фаррошлик, фельдшерлик, официантлик каби ишларда иш вақтини қисқартган ҳолда ёки шанба, якшанба кунларида фойдаланиш мумкин. Лекин бу кейинги тартибдаги масала.

Шўролар даврида ҳам яхши ўқиган талабаларга стипендия тўланган, ёмон ўқиганлар эса стипендия олмаган. Лекин бу ўша таълим тизимининг адолатли эканини кўрсатмайди. Чунки, биринчидан, стипендиялар миқдори унча катта бўлмай, у талабаларда яхши ўқиш учун кучли рағбат уйғота олмас эди. Семестрда ёмон ўзлаштирган талаба эса стипендия олмасди. Биз мамлакатимиздаги ўқув юртларида шўролар тартибини жорий қилмоқчи эмасмиз. Шўро тизими билан биз таклиф қилаётган тартиб ўртасида жиддий фарқ бор. Бу фарқ рағбатларнинг таъсир кучида. Агар шўролар даврида ёмон ўқиган талаба стипендиядан маҳрум қилинган бўлса, биз таклиф қилаётган қоидалар бўйича у стипендия олмасликдан ташқари ўқиш учун ёнидан пул тўлаши ҳам керак. Бу тартиб дангаса ва ишёқмас талабаларнинг ҳам жонжаҳдлари билан ўқишга киришишлари учун етарли туртки беради. Иккинчидан, яхши ўзлаштирган талаба стипендия олиш билан бирга ўқиш учун ўзи пул тўлашдан озод бўлади. Яхши ўқиганлик учун бу мукофот талабага шўролар стипендиясидан кўра кучлироқ таъсир қилади.

Абдуллажон БЕГМАТОВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси илмий тадқиқотлар бўлими мудири

Ҳаракатланиш хавфсизлиги ойлиги

Маълумки, мамлакатимизда ҳаракат хавфсизлиги ойлиги давом этмоқда. Бу хайрли ишда «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмасининг кўп минг кишилик жамоаси ҳам фаол иштирок этмоқда. Авваломбор бу ерда тарғибот-ташвиқот ишларига алоҳида эътибор берилди. Автокорхона ва деполарга ДАН ходимлари таклиф қилинди. Тегишли режа ва тадбирлар тузилиб, йўл ҳодисаларининг олдини олиш учун махсус рейдлар ўтказилмоқда. Ялпи сафарбарлик эълон қилиниб йўловчилар ҳузурида, маҳаллалар ва мактаб-боғчаларда тарғибот ишлари олиб борилаётир. Йўналишларга чиқаётган транспорт воситаларининг салонларига тегишли шиорлар осиб қўйилган. Ҳайдовчилар ўртасида хавфсизлик қоидалари борасида суҳбатлар ўтказилаётир. Ўйлаймизки, 20 февралгача давом этадиган «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» ҳақиқийланиш юксак интизом намунасини кўрсатиш имконини беради.

Суратларда: тадбирлардан айрим лавҳалар.

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

Пўлат келишмовчиликка сабаб бўлганди

Маълумки, Япония пўлатининг АҚШ бозорида арзон нархда сотилиши Токио ва Вашингтон ўртасида келишмовчилик келтириб чиқарган эди. Ўшанда АҚШ Японияга қарши савдо-иқтисодий жазо чоралари қўллаш билан таҳдид қилганди. Шу сабабли Япония ҳукумати ушбу келишмовчиликни бартараф қилишда ёрдам кўрсатишни сўраб Жаҳон савдо ташкилотига (ЖСТ) мурожаат қилди.

ЖСТ қоидаларига кўра, пўлат можаросини бартараф қилиш учун томонлар ўзаро музокара бошлаши лозим. Агар бу ҳам ёрдам бермаса, келишмовчилик ечимини топиш учун ЖСТнинг махсус комиссияси тузилади.

Мултимиллионер фаолияти чекланди

«Толибон» ҳаракати раҳбарияти саудиялик мултимиллионер Усама ибн Лодиннинг хориждаги тарафдорлари билан алоқа ўрнатишини чеклаш тўғрисида қарор қабул қилди. Толиблар назоратида бўлган оммавий ахборот воситалари тарқатган хабарларга қараганда, бундан буён ибн Лодиннинг халқаро телефон алоқасидан, шунингдек, Афғонистон ва Яқин Шарқ мамлакатларидаги террорчилар билан боғланиш учун радиоқурилмалардан фойдаланиши тақиқланади. Ибн Лодиннинг фаолиятини чеклашни назорат қилиш ислом милицияси ва толиблар маъмурияти вакилларидан иборат махсус гуруҳга топширилди.

14 февраль — Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуди куни

«Ёр улдурким, шеърга майли бўлса»

Ўзи муҳожирликда юрсада, ватанини куйлаган шоир миллат маънавиятини юксалтиришга беқиёс ҳисса қўшган эди. Муқаддас ўтмишимиз келажак йўлимизни ёритади. Аждодларимиз босиб ўтган йўллар, уларнинг зиддиятли ва мураккаб тақдирлари ҳамон ўрганилмоқда. Янги-янги тадқиқотлар, фикрлар, ўйлар, тарих саҳифаларини, ижодкор шахсини, унинг маънавий оламини ёритишга хизмат қилмоқда.

Шоҳ ва шоир боболаримиздан бири Заҳириддин Муҳаммад Бобур ғазалларини ўрганиш, унинг ҳаёти ва ижодининг муҳим қирраларини очиб беради.

Бобур ўзининг мусофир қисмати билан ҳамон бизни ўйга толдиради. Тақдирига шоҳ ва шоирлик ёзилган, бобомизга бир умр тахт ва қалам шерик бўлди.

Шоҳ Бобурнинг жисмига дарвозалар ёпилади. Шоир Бобур учун кўнгил уйи, юрак ҳамиша очиқ. Бобур шоир қисматининг нақадар оғир эканлигини бир умр ҳис этиб яшайди. У ҳатто Ватанда турган пайтида ҳам, бошига тушадиган қайғуларни сезади ва уни ўз ижодида ҳамиша башорат этади.

Шоирнинг бир қатор ғазалларини ўқир эканман, юқоридаги тахминларнинг тўғри эканлигига яна бир бор ишонаман. Қизиғи шундаки, адабиётшунос С.Ҳасановнинг таъкидлашича, ушбу ғазалларни шоир Мовароуннаҳрда бўлган даврида яратган. Демак ҳали Ватанда бўлишига қарамасдан, шоирнинг кўнгли аллақачон айрилиқ дардини қоғозга туширган эди.

Аслида, адабиётдаги даҳо ижодкорлар ўз тақдири ҳақида, миллат тақдири ҳақида ҳамма замонларда башорат қилиб келган.

Бевосита шоир асарларига мурожаат қилганимизда, тахтда ўтирган шоҳ Бобурни ташлаб, шоир Бобур қаергадир ёлғиз кетиб қолишни орзу қилади. У бир неча бор йўлга тушади:

Муяссар бўлмаса бошимни қўймоқлик оёғига,
Бошимни олиб, эй, Бобур, аёқ етганча кетгаймен.

ёки: *Гар васл муяссар ўлмаса нетгаймен,*
Бошимни олиб қай сариға кетгаймен.

ёки: *Васлинг манга гар муяссар ўлмаса нетгаймен,*
Бошимни олиб бир сариға кетгаймен.

ёки: *Сени севмаслигингни жазм этармен,*
Бош олиб ўзга бир сори кетармен!

Ушбу мисраларни битаётган шоирга бир кун келиб Ватандан айро тушишини, «бош олиб ўзга бир» юртларга кетмоғи ҳақидаги муждани наҳотки туйғулари билдирган бўлса! «Ҳинд сори юзланиш»ини, қолган умри давомида фақат Ватанни соғинишини, шеърларидан айрилиқ, армон аримаслигини Бобур ўша пайтлардаёқ башорат қилади.

Шоир Бобурнинг ортидан бахтлар, тахтлар, аҳдлар эргашади. Энди у ўз-ўзидан бош олиб кетмоқни истайди. Қалам ва қисмат эргашади. Тахт ва саройлар қолиб кетган Ватанни эмас, юрагига умр бўйи армон ва айрилиқни солиб қўйган Ватанни қўмсайди.

Энди у бу ўткинчи дунёда ҳамма нарса ғанимат эканлигига ишонади. Юрак эса шоирни ўша кунларга қайтармоқчи бўлади.

Аҳбоб йиғилмоқни фароғат тутунгиз,
Жамиятингиз борини давлат тутунгиз,
Чун гардиши чарх будурур, тенгри учун,
Бир-бирни неча куне ғанимат тутунгиз.

Бобур тақдирининг яна бир аянчли томони шундаки, жангга қиличлар билан бирга қаламлар (Бобур — Шайбонийхон — шоҳ Исмоил) ҳам киради. Ўз диёрида қиличлар жангида енгилган шоир бир умр қалам жангида ғолиб келади.

Шоир Бобурни атрофдаги дўстларидан, яқинларидан кўнгли қолади. У «бедард» дўстлардан йироқларга кетиш кераклигини, уни излаганлар ҳатто «гардини» ҳам тополмасликларини истайди.

Бедард ҳабиб билмади дардимни,
Туфроқча кўрмади руҳи зардимни,
Мендан неча кўнглида ғубори бўлғай,
Кетдим муна, энди топмағай гардимни.

Шоир Ватанда қолган биз авлодларидан мусофир Бобурни «ёд» этмоғимизни ўтиниб сўрайди.

Мурод васлинг эрур, айла ёд Бобурни,
Унутмағил яна бу номурод Бобурни.

Бобурни ўқиш бизга Ватаннинг қадрига етишни, дўст кўнглидан огоҳ бўлишни ўргатади. У ҳақли равишда айтганидек:

Ўзни, кўнгул, айш ила тутмоқ керак,
Бизни унутқанни унутмоқ керак.

Шоирнинг шеърларини англаш сизу бизни ўз-ўзимизга яқинлаштиради. Шоирни тушуниш Ватанга муҳаббатни уйғотади. Беш аср олдин у куйлаганидек:

Ёр улдурким шеърга майли бўлса...

Шоирга дўст бўлиш бахти барчамизга насиб этсин.

Фаррух ҲАМРОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

«Янгийўл ёғ-мой» ҳиссадорлик жамияти ҳиссадорлари диққатига!

1999 йил 13 март соат 10-00 да Янгийўл шаҳри Самарқанд кўчасида жойлашган шаҳар Маданият уйида «Янгийўл ёғ-мой» ҳиссадорлик жамияти ҳиссадорларининг умумий мажлиси бўлиб ўтади.

Умумий мажлис кун тартибида қуйидаги масалалар кўрилади:

1. *«Янгийўл ёғ-мой» ҳиссадорлик жамияти дирекцияси ҳисоботи.*
2. *Жамиятнинг 1998 йил фаолияти бўйича баланси, фойда ва зарарларини тасдиқлаш.*
3. *Жамият тафтиш комиссиясининг ҳисоботи.*
4. *Аудитор ҳисоботи.*
5. *1998 йилда жамият бўйича олинган соф фойда тақсимоти.*
6. *1999 йилга белгиланган жамият бизнес режасини тасдиқлаш.*
7. *Низомларга ўзгартириш киритиш.*
8. *Холис аудитор сайлаш.*

Умумий мажлисга барча ҳиссадорлар қатнашиши шарт!

Умумий мажлисда кўриладиган масалалар бўйича материаллар билан Янгийўл шаҳри, Самарқанд кўчаси 352-уйда жойлашган «Янгийўл ёғ-мой» ҳиссадорлик жамияти Кузатув кенгашида танишиш мумкин.

«Янгийўл ёғ-мой» ҳиссадорлик жамияти Кузатув кенгаши

Макао Хитой тасарруфига ўтади

Макао 1999 йил 20 декабрь куни ярим тундан сўнг Хитойнинг тўла тасарруфига ўтади. Ўзаро алоқалар бўйича Хитой-Португалия қўшма гуруҳи шу ҳақда битимга эришди.

Макао 400 йилдан ортиқ вақт давомида Португалия қарамоғида бўлиб келган. 1987 йил апрелда эса Макаонинг (Аомин) Хитойга қайтарилиши тўғрисида Португалия ва Хитой ўртасида қўшма декларация имзоланган эди.

Макао Хитой тасарруфига ўтгандан сўнг махсус маъмурий туман мақомини олади.

Сарвқоматлик сири

Инсоннинг гўзалликка интилиши гоҳида хунук оқибатларга ҳам олиб келаркан.

16 ёшли англиялик Карла Эванс ширин орзулар оғушида фожиа сари қадам қўяётганини сезмади.

Унинг ягона орзуси ўз гўзаллиги билан одамларни мафтун қилиш ва ўзи эъзозлаб келган машҳур манекенчи (тайёр кийимларни намойиш этувчи) Жоди Кидди сингари донг таратишдан иборат эди.

Даставвал, у Киддидек сарвқомат бўлмоқ учун оч қолиш йўлини танлади. У деярли таом емас, сувни ҳам ичмасликка ҳаракат қиларди. Бўйи 170 сантиметр бўлган бу қизнинг вазни 48 кг.дан охирги оқибат 39 кг.га тушиб қолди. Энг ёмони, тумов касалига чалингач, мажолсизликдан ҳатто баланд ҳароратни ҳам кўтара олмади.

Мақсади сари интилишида хато йўлни танлаган Карла шу соҳага дахлдор мутахассислар билан маслаҳатлашиб иш кўрганда балки гулдек умрини ўзи хазон қилмасмиди?! Ахир ортиқча вазндан халос бўлиш учун анча-мунча йўл-йўриқлар керак бўлади. Начора, гўзаллик ҳам қурбонликни, жонни нисор этишни талаб этаркан-да.

Масалан, Кембридж тиббиётчилари озишни хоҳлаганларга қизил вино истеъмол қилишни тавсия қиладилар. Албатта, қизил винонинг бу қадар фойдали эканлигини аниқлаш осон кечмади.

Улар озишни истаётган мижозларини 4 гуруҳга бўлиб, икки ҳафта мобайнида тажриба ўтказишди. Шу вақт ичида биринчи гуруҳдагилар фақат қизил вино, иккинчи гуруҳдагилар оқ вино, учинчидагилар махсус ичимликлар, тўртинчидагилар эса сув ичиш билан кифояланишди. Энг яхши натижа биринчи гуруҳдагилар «қизил винохўрлар» фойдасига ҳал бўлди.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, қизил винони мунтазам истеъмол қилиш озиш учун энг қулай йўл экан.

Карладек гўзал хаёллар билан хато йўл тутмасангиз (агар сизни ҳам озиш масаласи қийнаётган бўлса), кашф этиб борилаётган юқоридаги каби кўрсатмалардан бирини амалда қўлласангиз, балки хаёлларингиз ҳақиқатга айланар. Сумбатдек қоматингизни кўз-кўз этиш насиб этар.

Фарида МАҲКАМОВА тайёрлади

Журналистлар иш ташлади

Италия Миллий матбуот федерацияси (ИММФ) мамлакатда фаолият кўрсатаётган барча оммавий ахборот воситалари ходимларини 12 февралда умуммиллий иш ташлашга даъват этди.

ИММФ котиби Паоло Сервенти Лонги куни кеча иш ташлаш эълон қилган Италия ахборот агентлиги (АНСА) журналистларини тўла қўллаб-қувватлашини билдирди. Унинг таъкидлашича, агентлик журналистлари нафақат меҳнат шароитини яхшилаш, балки ўз маҳсулотлари бўлмиш — ахборотларнинг сифатига берилаётган баҳони кўтариш учун ҳам курашмоқда.

Учовлон учқун эди, юлдуз бўлди

Мақолага бундай сарлавҳа қўйишимизнинг сабаби бор, албатта. Чунки, Ўзбекистонимиз мустақиллиги эълон қилингандан буён ўтган қарийб саккиз йил ичида қанча-қанча тадбиркорлар, ташаббускорлар дастлаб учқундек пайдо бўла бошлашган эди. Энди эса иқтисодиёт осмонида юлдуздек порламоқдалар. Бинобарин, ана шу илк учқунлар мустақил мамлакатимизнинг иқтисодий эркинлигини таъминлашга ҳисса қўшаётирлар.

Муаззам Тошкентимиздан унчалик узоқ бўлмаган жойда фаолият кўрсатаётган «Ўзмевасабзавотсаноат — холдинг» компаниясига қарашли «Комсар» очиқ ҳиссадорлик жамияти ҳам тетапоя қадамларини қўяётганда ҳам учқун эди. Ўшанда, яъни 1991 йилда уч мутахассис — Мирҳолиқ Мираҳмедов, Бахтиёр Жаъфаров ва Маҳмуд Ҳамроқуловлар Чиноз туманидаги «Эшонобод» жамоа хўжалигининг кўримсиз жойларидан бирида фермер хўжалиги тузишга қарор қилишди. Қийинчиликларга қарамай, мустаҳкам пойдевор қўйишга интилдилар. Яъни, дастлабки кунларданоқ зотли қорамолларни кўпайтиришга ҳаракат қилдилар.

— Эсимда, 1981 йилда «Чиноз» давлат наслчилик хўжалигида бўлгандим, — дейди «Комсар» очиқ ҳиссадорлик жамияти президенти Мирҳолиқ Мирзааҳмад ўғли Мираҳмедов. — Бир-бир ярим тонналик зотдор новвосларни, сермаҳсул сигирларни кўриб ҳавас қилгандим. Республикамиздаги кўпгина хўжаликлар шу ердан зотдор бузоқларни олиб кетишарди. Кейинчалик эса негадир Голландиядан ёки Болтиқбўйидан зотдор моллар келтириш талвасаси бошланди. Тўғри, узоқ хориждаги жониворлар сермаҳсул. Бироқ, уларнинг кўпи бизнинг иқлим шароитимизга мослаша олмайди. Шу боис ҳам биз наслли молларни ўзимизда етиштиришга қарор қилдик. Иқлим шароитимизга мослашган зотдор қора-ола молларни кўпайтирдик. Ҳар қанча қийинчилик бўлсада, новвослару сермаҳсул сигирларни гўштга топширмадик. Натижа эса ёмон бўлмади. Ўтган саккиз йил ичида фермамизда наслдор молларнинг янги авлоди вужудга келди. Ҳозир юздан зиёд қорамолимиз бор. Шунинг ўттиз фоизи новвослар. Шуниси қувончлики, ўша ўзим ҳавас қилган, бир тоннадан оғир келадиган новвослар ҳам бугун сероб.

Корхонанинг фермасида бўлганимизда бунга ишонч ҳосил қилдик. Қисқа муддатда замонавий бино қурилибди. Қорамоллар қатор жойлаштирилган. Айниқса, иккита новвос бизнинг диққатимизни тортди. Улар 3-4 ёшда бўлиб, бир тоннадан зиёд тош босади.

Булар кучли рацион асосида боқилади. Уларга шелухадан тортиб, турли витаминларгача берилади. Емиш эса сероб. Бунинг сабаби бор, албатта. Ахир улардан соғлом, бақувват насл олиниши керак. Сал нарироқда эса булардан ёшроқ буқалар.

Шу ферманинг ўзида дунёга келган бузоқлар алоҳида сақланмоқда. Кўриниб турибдики, уларнинг ҳаммаси зотдор, ҳақиқий маҳсулдор бўлиши мумкин. Сигирлар эса алоҳида қаторда. Бу қора-ола говмушлардан мўл ва серёғ сут соғиб олинмоқда. Йилига ҳар бир сигирдан 6-7 минг килограммдан сут соғилаётганлиги қувончлидир. Бригада бошлиғи Рихсивой Пайзиев, молбоқарлардан Маҳмуд Қурбонов, Карим Усмонов ва бошқалар қорамолларни меҳр билан парваришламоқдалар.

Дарвоқе, фермада учтўртта зотли от ҳам кўзга ташланди. Ажабланганимизни кўриб, Мирҳолиқ ака бундай деди:

— Мен ёшлигимдан отга ишқибоз эдим. Ҳосил байрамларидаги халқ сайилларида кўпкари, оломон пойга, улоқ мусобақаларини қизиқиб томоша қилардик. Тўрт йил аввал бир дўстим менга иккита отини кўрсатди. Маъқул бўлди. Сотиб олдим. Ўшандан сўнг отчиликни ҳам ривожлантиришга қарор қилдик. Оҳангарон туманидаги Алишер Навоий номидаги отчилик хўжалигидан бешта зотли от сотиб олдик. Кейин эса яхши мутахассисларни жалб қилиб, уларни парваришладик. Спорт отларимизни турли витаминлар, арпа, сули, буғдой бериб боқдик. Ҳатто рационга тухум ҳам қўшдик. Қисқа муддатда турли мусобақаларда отларимиз иштирок этди. Тўғри, дастлабки мусобақаларда сўнгги ўринни олдик. Бу соҳада янги бўлсак-да, барибир мағлубият алам қилди. Шу боис машқларга зўр бердик. Тошкент отчопарида отларни янги-янги мусобақаларга шайладик. Натижада қўплаб ҳатто узоқ хориждан харидорлар келмоқда. Ниятимиз — зотли отларимизни кимошди савдоларида сотиш. Шундагина мамлакатимизга кўплаб валюта келтириш имкониятига эга бўламиз. Ҳозирча йигирмадан зиёд зотли спорт отларимиз бор. Келгусида биз тулпорларимизни янада кўпайтирамиз.

Жамият аъзолари бугунги кунда чорвачилик маҳсулотларини истеъмолчиларнинг талаб-эҳтиёжларини ўрганган ҳолда қадоқлаб чиқармоқдалар. Яқин келажакда сут маҳсулотларини қайта ишлайдиган цехни ишга тушириш кўзда тутилган.

Лекин, шуни ҳам айтиш керакки, бу ерда республикамизда ўсадиган турли гиёҳ ва зираворлардан ароқ ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Корхона лабораториясида бўлганимизда катта шиша идишлардаги Ҳамроқулов. — Мана буниси зирали, мана буниси тоғларда ўсадиган мадор ўсимлигидан. Булардан «Ўзбекистон», «Комсар», «Карвон», «Тонгги шабнам», «Арчазор» арақлари тайёрланади. Улар хушбўйлиги, шифобахшлиги билан ажралиб туради. Маҳсулотнинг ташқи қўриниши, яъни дизайнига катта эътибор бериляпти. Агар шиша Қувасойдан олиб келинаётган бўлса, ёрлиқларини Жанубий Кореяда тайёрлатяпмиз. Рақобатбардош маҳсулот шу тариқа вужудга келади.

Аслида, цехнинг қуввати ойига 200 минг шиша маҳсулот ишлаб чиқаришга етади. Лекин, цехдагилар омборни тўлдириш учун ишламайдилар. Буюртмага биноан маҳсулот етказиб берилади. Яна шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, маҳсулотни, яъни фирма обрўсини ҳимоя қилиш учун махсус қопқоқ ва белгилар ҳам борки, булар ҳам Жанубий Кореяда тайёрланади. Оқибатда ҳеч қандай яширин цех бундай маҳсулотларни ишлаб чиқара олмайди.

Ҳозирча асосий хомашё четдан келтириляпти. Яқин келажакда спирт шу ерда тайёрланади. Цехдаги барча техника воситалари, қўйиш линиялари Тошкентда ишлаб чиқарилгани қувончли. Бу ерда соатига 6 минг шиша маҳсулот қўйилади.

Иқтисодий таҳлил натижаси шуни кўрсатдики, корхона кейинги беш ой ичида 5 миллион сўм соф фойда кўрибди. Мол айланмаси ҳам кўпайиб бориб, ойига 90 миллион сўмга етди. Даромадга яраша буромад деганларидек, асосий маблағ ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, янги-янги технологияларни жорий этишга сарфланмоқда. Бу ерда ишлайдиган 150 дан зиёд ходим ўз вақтида мўмайгина ойлик олмоқда. Мукофот ҳам, дивиденд ҳам берилмоқда. Бундан ташқари, корхона атрофидаги қишлоқ аҳолиси хонадонлари ичимлик суви билан тўла таъминланди. Яқинда хонадонлар газлаштирилди. Ошхона, чорвадорлар учун ювиниш хоналари ишлаб турибди.

Ҳамма шароитлар яратиб берилгани боис бу ердагилар ўз ишига астойдил, виждонан ёндашмоқда. Масалан, оператор Пўлат Оқбоев, лаборатория бошлиғи Инобат Ҳолмуҳаммедова, қуювчилар Нодира Эрматова ва Севара Алламовалар корхонанинг фахридирлар.

Корхонада қатъий интизомга амал қилинади. Унинг раҳбаридан тортиб, оддий ишчисигача ишга виждонан ёндашиш талаб қилинади. Агар кимки топшириқни вақтида уддалай олмаса, марҳамат қилиб вазифасини топширади. Яъни, ишдан озод қилинади.

Айни пайтда ҳиссадорлик жамияти ривожланишнинг ойдин йўлига чиқиб олди. Уларнинг нияти — энди жаҳон бозорларига чиқиш. Ўз маҳсулотларини хорижга сотиб, юртимизга валюта келтиришмоқчи. Тузилган шартномага биноан Жанубий Кореяга кўплаб шифобахш маҳсулот сотадилар.

Демак, учовлон асос солган учқун корхона эндиликда юлдуз бўлиб порлайди.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари.

Суратларда: корхона фаолиятидан айрим лавҳалар.
Ўктам ШАРИПОВ олган суратлар.

Ислоҳот ва масъулият



Шамолларга ошуфта симлар

Биз бекорга шамолларга ошуфа симлар демадик, бунинг замирида мамлакатимизнинг барча соҳаларда ўта тезкорлик билан жаҳон андозалари даражасида ривожланиб, тараққий топиб бораётганини назарда тутдик. Кечагина оддий телефонлардан фойдаланишни ҳам эплай олмайдиган болалар бугун ташқи кўринишидан миттигина қора қутини эслатадиган уяли алоқа тармоқлари телефонларидан бемалол фойдаланаётганини кўриб ҳайратланмай иложингиз йўқ. Ахир, беш-олти йил ичида шунча ўзгариш бўлади, деб ўйлаганмидингиз?

«Наманган-телеком» ҳиссадорлик жамияти Учқўрғон филиалининг ташкил бўлганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Қисқа даврда туман аҳли алоқа тармоғидан унумли фойдалана бошлади. Қўшнинг билан телефонда гаплашаман деб рақамига тушишнинг ўзи мушкул бўлган ўтган даврлари эсимизда. Эндини, наинки Ўзбекистонда, балки хорижий давлатлар билан ҳам худди ёнма-ён ўтириб сўзлашгандек телефонда гаплашсанг ҳузур қиларкансан киши. Ҳа, учқўрғонликлар ҳам мустақиллик сабаб замонавий ускуналардан фойдаланиш шарафига мушарраф бўлишмоқда.

Ҳиссадорлик жамияти филиали раиси Сойибжон Қосимовдан янги тармоқнинг афзаллигини сўраганимизда, у киши: «Велосипедда юрган одам бирдан «Нексия» миниб қолса қулайлиги қанақа бўлсада, замонавий тармоқнинг ҳам афзаллиги шундай. Ҳозирда одамлардан келаётган шикоятлар анча камайди. Демак, алоқа тармоғи яхши ишлаяпти. Шунингдек, радио тўлқинларида учрайдиган ҳар хил шовқинлар йўқолди. Аҳоли бирор мусиқами ёки хабарми эшитгиси келса майин ва тиниқ таралади. Асабни бузмайди. Аҳоли эҳтиёжини ҳисобга олиб, Қўғай қишлоғида 1100 ўринли, Яшиқ қишлоғида 200 ўринли абонементли телефон тармоғи ишга туширилди. Эндиликда барча телефон ва радио тармоқларини электрон замонавий ускуналар билан жиҳозлаш устида иш олиб бораяпмиз» — дейди. Мустақил ҳаракат қилишга имкон туғилганида қарамоғингдаги хўжаликни ўзинг бошқаришга шароит яратилади. Фақат, тадбиркорликни эпласанг бас.

Биз ҳиссадорлик жамиятида меҳнат қилаётган баъзи ишчиларнинг шароити билан қизиқдик.

Иномиддин Исматбоев: — Яқинда оилали бўлдим. Ишхонамдан миннатдорман. Улар тўйга ёрдам бўлар деб ўртача ойликнинг 10 баробари миқдорида пул мукофоти беришди.

Х. Шералиева: — Тўғри, оиламиз аъзолари жон бошига ҳисоблаганда кам таъминланган оилалар қаторига киради. Аммо ишхонамиз қўшимча пул ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан ёрдам кўрсатиб туришади. Бундай жамоада меҳнат қилиш кишига хотиржамлик бағишлайди.

Бундан ташқари, алоқа соҳасида кўп йиллар ишлаб, нафақага чиққан собиқ 17 ишчига 1000 сўмдан ёрдам пули тарқатилибди.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай корхона тадбиркорликнинг, иш юритишнинг мақбул йўлини танламаса, арзимаган рақобатга ҳам бардош беролмаслиги мумкин. Тадбиркорлик корхонани қарздорликдан қутқазади. Жамоасини моддий таъминлай олади. Таъминланган ишчи-ходимларнинг ишида эса унум бўлади. Ўз меҳнатига меҳр уйғонади.

Сойибжон ака ўз ишининг устаси бўлиши билан бирга етук шогирдлар тайёрлаган устоз, оилапарвар инсон экан. Шогирдлари ҳам ўзидай меҳнаткаш, масъул корхоналарнинг таянчларидан. Масалан, Наманган электр алоқа қурилиши корхонаси бошлиғи А. Ҳожимуродов, Учқўрғон туман почта алоқа боғламаси бошлиғи ўринбосари А. Қурбоновлар шулар жумласидандир.

Шоира ТЎХТАБОЕВА

Навоий вилоят «Балиқчилик» акционерлик жамияти акционерлари

ДИҚҚАТИГА!

1999 йил 5 март куни Навоий вилоят «Балиқчилик» акционерлик жамияти идораси биносида соат 10⁰⁰ да жамият акционерларининг 1998 йил якунига бағишланган мажлиси бўлиб ўтади.

Мажлис кун тартиби:

1. 1998 йил якунлари.

2. Дивидендлар тақсимоти.

Мажлисга барча акционерлар таклиф қилинади.

Китоб — содиқ дўст

«Ваҳҳобийлик илдизлари»

Бугунги кунга келиб фуқароларимиз ваҳҳобийлик оқими ва бу оқим таъсирига берилган айрим оғма бидъатчиларнинг хунук кирдикорларидан хабардор. Хусусан, Андижон вилоятидаги ваҳҳобийлик таълимотига учган бир гуруҳ ёшларнинг авлиёлар ва мозорларга сиғинишга қарши кураш баҳонасида қабристонларни оёқ ости қилганликлари, мозорларни бузганликлари, Наманган вилоятида юз берган мудҳиш жиноятлар динимизнинг асл қонун-қоидаларига зид ишлар бўлдики, улар имонли, эътиқодли ватандошларимиз томонидан кескин қораланди.

Хўш, бу оқимга ким асос солган ва унинг тарафдорлари кимлар? Улар зўр бериб тарқатмоқчи бўлаётган ғоя ва талаблар нималардан иборат? Ваҳҳобийликнинг туб моҳиятида қандай маслак ётади? Исломшунос олимларнинг, уламоларнинг бу оқимга берган баҳолари қандай?

Шубҳасиз, ушбу саволлар кўпчиликни қизиқтиради. Дарҳақиқат, ваҳҳобийликнинг тарихий илдизлари, бу оқимнинг юзага келишига сабаб бўлган омиллар, шарт-шароит, турткилардан хабардор бўлишга фуқароларимиз эҳтиёж сезиши табиий. Ана шу маънавий эҳтиёжни назарда тутиб «Фарғона» нашриёти 1998 йили «Ваҳҳобийлик илдизлари» номли рисолани чоп этди. Унинг муаллифи Фарғона вилоят прокурорининг ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси, ҳуқуқшунос Юнус Абдуллаев.

Юнус Абдуллаев ваҳҳобийлик ҳаракатининг илдизлари, тарихи, бу оқимнинг моҳияти хусусида вилоят ва республика матбуотида бир қатор чиқишлар қилган. Муаллифнинг беш минг нусхада нашрдан чиққан «Ваҳҳобийлик илдизлари» рисоласида ваҳҳобийлик тарихидаги ўзига хос «оқ доғлар» тадқиқ этилади.

Рисолада аниқ манбаларга асосланилган ҳолда ваҳҳобийликнинг пайдо бўлиши тарихи, унинг намояндалари, бу оқимнинг шаклланиши ва юзага келишида инглиз жосусининг «хизмати» ҳамда бундан кузатилган мақсад-муддаолар, ваҳҳобийлик юришлари ва йўл қўйилган оғир жиноятлар батафсил баён қилиб берилган. Энг муҳими, рисола муаллифи кейинги пайтларда Ўзбекистонда илдиз ёзишга уринган бу оқимнинг биз учун ниҳоятда зарарли томонларини асослаб кўрсатиб ўтган.

Зеро, аслида араблар-нинг турк истилосига қарши кураши ифодаси сифатида юзага келган ваҳҳобийлик дунёвий маданият, илм-фандан юз ўгириб, умуминсоний маънавий маданият тараққиётига қарши чиқадилар. Масалан, ваҳҳобийлар музика, қўшиқ, театр, кино, тасвирий санъат ва маданиятнинг муҳим соҳаларини бутунлай рад этадилар. Ҳозирги пайтда Саудия Арабистонида битта ҳам театрнинг, тасвирий санъат музейлари, кўргазмаларининг йўқлиги ҳам фикримизнинг далилидир.

Дарҳақиқат, муаллиф ўз рисоласида таъкидлаганидек, халқимиз табиати, урф-одатлари, анъаналарига зид бўлган таълимот— ваҳҳобийликни Ўзбекистонга ёйишга уриниш зарарли ва айни пайтда келажаги йўқ ҳаракатдир. Ўзининг буюк келажагини ишонч билан барпо этаётган Ватанимизни ўз танлаган йўлидан ҳеч қандай диний-сиёсий оқим чалғита олмайди. Халқимизнинг фикри шу!

«Ваҳҳобийлик илдизлари» китоби ана шу фикр ва ишончга йўғрилгани билан ҳам ғоятда долзарб, ҳозиржавоб рисоладир.

Алишер АҲМЕДОВ

Улоқ, кўпкари, пойга

Ўтган йилнинг март ойида «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» ва «Осиё бозори» газеталари ташаббуси билан Хатирчи туманида «Алпомиш» достонига бағишлаб улоқ-кўпкари мусобақаси ўтказилган эди. Жорий йилда ушбу ташаббусни «Ватанпарвар» газетаси давом эттирмоқда. Шу йилнинг 13 февраль куни Челак туманида мазкур газета соврини учун улоқ-кўпкари мусобақаси ўтказиладиган бўлди. Ҳамма катта томошага!

Ўткир ПЎЛАТОВ

Олтинчи мавсум

DAVIS CUP by NEC

«Дэвис» кубоги учун халқаро теннис мусобақасига асос солинганлигига 100 йил бўлди. Совриндорлик баҳсининг нуфузи йилдан йилга ортиб бормоқда. Кичик тўп баҳсларига катта эътибор қилинаётган мамлакатимиз теннисчилари эса бундай мусобақада олтинчи марта қатнашмоқдалар. Шу кунларда Тошкентдаги «Юнусобод» теннис кошонаси яна гавжум. Бу ерда Ўзбекистон ва Покистон теннисчилари ўртасида биринчи гуруҳдан кўтарилиш, олий табақани кўзлаш мусобақаси ўтказилмоқда. Маълумки, 1996 йили Пешоворда теннисчиларимиз Покистон жамоасини 5:0 ҳисобида енгишган эди. Аммо бу safar меҳмонлар мусобақага пухта ҳозирланиб келишган. Шунинг учун ҳам курашнинг қизғин тус олиши кутилмоқда. Ташланган қуръага кўра кеча Олег Огородов билан Муҳаммад Холиқ, Вадим Куценко билан Ойсам ул Ҳақ Куреш ўзаро куч синашдилар. Эртага қайси жамоанинг зафар қучгани маълум бўлади.

Спорт

Халқ хизматида

Республика Вазирлар Маҳкамаси қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида «Ўзгеодезкадастр» ташкил этилган эди. Куни кеча ана шу идоранинг Тошкент вилояти давлат кадастрлари бошқармасида ўзига хос тантана бўлди. Сабаби, бошқарма тўлиқ замонавий андозаларга жавоб берадиган компьютерлаштирилган янги бинога кўчиб ўтиб, иш бошлади. Эндиликда бошқарма геодезист, картограф ва кадастрчилари аҳоли ва ташкилотларнинг буюртмаларига зудлик билан лаббай дея олишига барча имконият яратилди.

Комилжон ҚИЁМОВ

ХАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА 15

«Ўзбекистон» телеканали

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.40 "Ахборот".
***
8.40 "Ўзлик". Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.10 "Ўзбектеле-фильм" намойиш этади. "Чорбоғ манзаралари".
9.20 "Қишлоқ ҳақида ўйлар".
9.40 "Оламга саёҳат".
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 "Кундуз амакининг қиссалари". Мультсериал.
10.20 "Жаҳон киноси юлдузлари".
10.40 Кундузги сеанс. "Метичара — денгиз жонивори". Бадиий фильм.
12.05 Ўзбекистон телерадиокомпанияси хор жамоасининг концерти.
12.40 "Олтин тож". Телевизион ўйин.
13.00-14.00 "Изҳор". Мусиқий-дам олиш дастури.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 "Тўртинчи ҳокимият".
18.30 "Ислоҳот одимлари".
18.45 "Бир наво истар кўнгил". Мусиқий дастур.
19.05 "Мувозанат". Ахборот-таҳлилий кўрсатув.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.05 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 "Ахборот".
21.05 МУЛОҚОТ: "ТАРИХНИ АНГЛАШ ВА МИЛЛИЙ МАФКУРА".
22.10 Тоҳир Малик. "Шайтанат". Кўп серияли бадиий фильм премьераси. 1-серия.
23.20 "Олам қўшиқка тўлсин". Мусиқий дастур.
23.50 "Ахборот".
00.20 "Кусто командасининг сувости саргузаштлари". Телесериал. 21-қисм.
01.10-01.15 Ватан тимсоллари.

TOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 "Янги авлод" студияси намойиш этади ("Қувноқ учрашув", «Мульттомоша»)
18.40 "Муғанний".
18.55 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 "Давр". Ахборот дастури.
19.30 "Сурур". Мусиқий дастур.
19.40, 20.30, 22.30 Эълонлар.
19.45 "Изқувар Заррас". Телесериал.
20.35 "Жаҳон". Халқаро шарҳ.
20.55 "О, ёшлигим..."
21.20 «Темурнома». Видеофильм. 1-қисм.
21.40 Мусиқий лаҳзалар.
21.45 "Қулгига нима етсин".
22.00 "Давр". Ахборот дастури.
22.35 Синема. "Қойилмақом жиноят".
00.05 Араб эстрадаси.
00.20 "Хайрли тун!"

ТТВ

17.55 "ДАРАКЧИ".
18.05 Кўрсатувлар дастури.
18.10 "Сен ҳақингда ва сен учун" (рус тилида)
18.25 Телефакт (рус тилида)
18.35 "Ташналик". Телесериал.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 "Талабларга биноан".
20.20 Манзарали фильм.
20.30 "Ахборот".
21.05 "Таггерт". Телесериал.
21.55 "Телефакт".
22.05 "Дорихона эшитади..."
22.35 "ДАРАКЧИ".
22.45 "Спорт-тайм".
23.10 Оҳанглар ва эълонлар.
23.20 Саргузашт фильмлар экрани.
01.00 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканали

14.30 Кўрсатувлар тартиби.
14.35 "Дил изҳори".
***
15.05-16.10 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
***
16.10 Кундузги сеанс. "Шафқатсиз адолат". Бадиий фильм.
17.40 Жаҳон янгиликлари (инглиз тилида)
***
18.10 Клип-антракт.
18.15 "Бу эрмак жониворлар".
***
18.45 "Мультсайёра".
***
19.05 Душанба куни Познер билан. "Биз" дастури.
***
19.45 "Асори-атиқалар". Сериал.
***
Россия жамоат телевидениеси
20.45 "Хайрли тун, кичкинтойлар!"
21.00 "Время".
***
21.35 "Муҳаббат тарихи". Телесериал. 195-қисм.
22.20 "Оламда нима гап?" Ахборот кўрсатуви.
22.25 "Вақт хазинасидан".
22.40 "Замонавий дизайн".
23.00 "Вести".
23.30 Киносеанс. «Миллий балиқ ови» хусусиятлари». Бадиий фильм.
01.00 "Ахборот" (рус тилида)
01.25-01.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

«АЛАН СЕРВИС» АЖ
барча турдаги
тракторлар
эҳтиёт қисмларини
таклиф этади
Дўконимизда ҳамиша Т-28, МТЗ-80, «Алтай» ва бошқа русумли тракторларнинг 500дан ортиқ эҳтиёт қисмлари пул ўтказиш йўли билан сотилади
Манзил: Тошкент шаҳри, Жаркўрғон кўчаси, 43-уй. «Сельхозэапчасти» дўкони. Телефон: (3712) 96-63-21.

СЕШАНБА 16

«Ўзбекистон» телеканали

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.30 "Ахборот".
***
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 "Бастакор илҳоми". Мусиқий дастур.
9.10 "Кусто командасининг сув ости саргузаштлари". Телесериал. 21-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Янги алифбони ўрганамиз.
10.35 "Кундуз амакининг қиссалари". Мультсериал.
10.50 "Зиё". Бадиий-публицистик кўрсатув.
11.30 "Мактублар — кабутарлар".
12.05 "Назорат".
12.25 Волейбол. Ўзбекистон чемпионати.
12.50 Тоҳир Малик. "Шайтанат". Кўп серияли бадиий фильм. 1-серия.
14.10-14.50 "Дўстлик" видеоканали.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. "Гулғунчалар".
18.25 "Сиҳат-саломатлик".
18.45 "Ҳунарманд". Тележурнал.
19.05 "Ислоҳот ва масъулият".
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.05 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 "Таянч".
20.20 "Ҳиндистондан салом!" Мусиқий тўплам.
20.30 "Ахборот".
21.05 "Таггерт". Телесериал.
21.55 "Суҳбатдош". Публицистик кўрсатув.
22.15 "Туризм ҳақида". Ҳафталик шарҳ.
22.45 "ДАРАКЧИ".
22.55 Бу — джаз.
23.15 "Бешинчи ўлчов".
23.35 Оҳанглар ва эълонлар.
23.45 "Кинонигоҳ".
01.25 "Хайрли тун, шаҳрим!"

«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси
7.30-9.00
***
14.30 Кўрсатувлар тартиби.
14.35 "Ассалом, Франция!"
***
15.05-16.10 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
***
16.10 Кундузги сеанс."Италияликларнинг Россиядаги саргузаштлари". Бадиий фильм.
17.40 Жаҳон янгиликлари (инглиз тилида)
18.05 Клип-антракт.
***
18.15 "Куйини топинг".
***
18.45 "Мультсайёра".
***
19.05 "Мавзу".
***
19.45 "Асори-атиқалар". Сериал.
***
Россия жамоат телевидениеси
20.45 "Хайрли тун, кичкинтойлар!"
21.00 "Время".
***
21.35 "Муҳаббат тарихи". Телесериал. 196-қисм.
22.20 "Оламда нима гап?" Ахборот кўрсатуви.
22.25 "Бу — Хитой".
23.00 "Вести".
23.30 Киносеанс. "Қасоскор кит". Бадиий фильм.
00.55 "Ахборот" (рус тилида)
01.20-01.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЧОРШАНБА 17

«Ўзбекистон» телеканали

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.30 "Ахборот".
***
8.30 Лирик тароналар.
8.55 "Ўзбектелефильм" намойиш этади. "Тошкент тароватн".
9.05 "Алпомиш авлодлари". Спорт дастури.
9.20 "Остонаси тиллодан". Адабий кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 "Талаб ва таклиф".
10.30 Алифбо сабоқлари.
11.00 "Рақслар гулдастаси".
11.20 "Дилхирож". Бадиий-публицистик кўрсатув.
12.05 "Қўшиғим, жон қўшиғим".
12.35 "Кундуз амакининг қиссалари". Мультсериал.
12.50 Тоҳир Малик. "Шайтанат". Кўп серияли бадиий фильм. 2-серия.
14.10-14.40 Волейбол. Ўзбекистон чемпионати.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 "Дунё адабиёти".
18.30 "Тафсилот".
18.50 Экран куйлари.
19.05 "Шаҳар бедарвоза эмас".
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.05 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 "Таълим-тарбия миллий дастури — амалда".
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 "Ахборот".
21.05 Мулоқот: **"ДИН-ДИЁНАТ ДУНЁСИ".**
22.10 Тоҳир Малик. "Шайтанат". Кўп серияли бадиий фильм премьераси. 3-серия.
23.20 "Янграсин шўх яллалар".
23.45 "Ахборот".
00.15 "Кусто командасининг сув ости саргузаштлари". Телесериал. 22-қисм.
01.05-01.10 Ватан тимсоллари.

TOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 "Янги авлод" студияси намойиш этади ("Спорт майдончаси", «Келинг, танишайлик», «Мульттомоша»)
18.40 "Вернисаж".
18.55 Клип-антракт.
19.00 "Давр". Ахборот дастури.
19.30 "Дил рози".
19.35 "Ракурс". Анор Назаров.
20.00 "Спорт-лотто"
20.10 «Лаззат».
20.30, 23.15 Эълонлар.
20.35 "Ринг".
20.50 "Рақслар қанотида".
21.10 «Авторейд».
21.20 «Темурнома». Видеофильм. 3-қисм.
21.40 "Эркин фикр".
22.00 "Давр". Ахборот дастури.
22.30 «Сиз севган хонанда». Козим Қаюмов.
22.55 «Ҳаммаси мода ҳақида».
23.20 Синема. «Террорчилар шаҳри».
00.45 "Хит-коллекция".
01.00 "Хайрли тун!"

ТТВ

17.55 "ДАРАКЧИ".
18.05 Кўрсатувлар дастури.
18.10 "Ёрилтош". Мульттўплам.
18.25 "Ташналик". Телесериал.
19.15 "Усто". Телелавҳа.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 "Номаълум Бухоро". Телефильм.
20.20 Ёкимли оҳанглар.
20.30 "Ахборот".
21.05 "Таггерт". Телесериал.
21.55 "Менинг Тошкентим!" Муаллифлик кўрсатув.
22.25 Мусиқий танаффус.
22.30 "ДАРАКЧИ".
22.40 Оҳанглар ва эълонлар.
22.45 Видео-"О".
00.20 "Умр йўлдоши".
01.10 "Хайрли тун, шаҳрим!"

«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси
7.30-9.00
***
14.30 Кўрсатувлар тартиби.
14.35 "Дурдаршан".
***
15.05-16.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
***
16.10 Кундузги сеанс. "Ё ҳаёт, ё мамот". Бадиий фильм.
17.50 Жаҳон янгиликлари (инглиз тилида)
18.15 "Куйини топинг".
18.45 "Мультсайёра".
19.05 "Инсон ва қонун".
19.45 Телесериал. "Яхши йигитлар". Роберт Де Ниро (АҚШ)
Россия жамоат телевидениеси
20.45 "Хайрли тун, кичкинтойлар!"
21.00 "Время".
21.35 "Муҳаббат тарихи". Телесериал. 197-қисм.
22.20 "Оламда нима гап?" Ахборот кўрсатуви.
22.25 "Монитор Осиё".
22.40 "Дил изҳори".
23.00 "Вести".
23.30 Киносеанс. "Мутахассис". Бош ролда С. Сталлоне.
01.10 "Ахборот" (рус тилида)
01.35-01.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ПАЙШАНБА 18

«Ўзбекистон» телеканали

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.30 "Ахборот".
***
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 "Қўшиқ — маънавият кўзгуси". Мусиқий дастур.
9.10 "Кусто командасининг сув ости саргузаштлари". Телесериал. 22-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 "Мехр қолур".
10.25 "Чемпион билан учрашув". Спорт дастури.
10.40 "Юртим".
"Умид" намойиш этади:
10.55 "Кичкинтойлиз-гижингтойлиз".
11.20 "Оталар сўзи-ақлнинг кўзи" почтасидан.
***
12.05 "Жавоҳирлар хазинаси". Адабий кўрсатув.
12.30 "Инсон ва замин". Тележурнал.
12.50 Тоҳир Малик. "Шайтанат". Кўп серияли бадиий фильм. 3-серия.
14.10-14.40 Волейбол. Ўзбекистон чемпионати.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 "Бир қадам".
18.30 «Олтин тўп». Теннис клуби.
18.45 "Харита". Халқаро шарҳ.
18.40 "Дунё адабиёти".
19.00 "Ҳидоят сари".
19.25, 20.25, 21.00, 22.05 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
19.55 "Юзма-юз".
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 "Ахборот".
21.05 Мулоқот: **"САВОБ ИШНИ ҲАР КИМ, ҲАР КУНИ ҚИЛИШИ КЕРАК".**
22.10 Тоҳир Малик. "Шайтанат". Кўп серияли бадиий фильм премьераси. 4-серия.
23.20 "Севги сурури". Мусиқий дастур.
23.50 "Ахборот ".
00.20 "Сомон йўли".
01.10-01.15 Ватан тимсоллари.

TOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 "Кусто командасининг сув ости саргузаштлари". Телесериал. 22-қисм.
18.55 «Мушоира».
19.00 "Давр". Ахборот дастури.
19.30 "Қўшиқ умри пойиндор". Муҳиддин Қориёқубов хотирасига бағишланади.
19.55, 20.45, 23.10 Эълонлар.
20.00 "Изқувар Заррас". Телесериал.
20.50 "Ўтган кунлар".
21.10 «Ёшлар» телеканали тақдим этади. И.Каримов. «Баркамол авлод орзуси».
21.30 "Ёшлик формуласи".
21.45 "Сохибқиронни ёд этиб..." Мусиқий дастур.
22.00 "Давр". Ахборот дастури.
22.30 "Обид-шоу".
23.15 Синема. "Фазодаги махбуслар".
00.45 "Хайрли тун!"

ТТВ

17.55 "ДАРАКЧИ".
18.05 Кўрсатувлар дастури.
18.10 "Ёрилтош". Мульттўплам.
18.20 "Ташналик". Телесериал.
19.10 "Билиб қўйган яхши".
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 "Ханда дўкони".
20.30 "Ахборот".
21.05 "Оқибат". Телесериал.
21.55 "Тошкент ва тошкентликлар".
22.10 "Бевосита мулоқот".
22.50 "ДАРАКЧИ".
23.00 "Яхши кайфият.
23.30 Оҳанглар ва эълонлар.
23.40 Кинонигоҳ.
01.20 "Хайрли тун, шаҳрим!"

«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси
7.30-9.00
14.30 Кўрсатувлар тартиби.
14.35 "Табиат билан танишув".
15.05-16.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16.10 Кундузги сеанс. "Ўлимга тенг олишув".
17.40 Жаҳон янгиликлари (инглиз тилида)
18.10 Клип-антракт.
18.15 "Куйини топинг".
18.45 "Мультсайёра".
19.05 "Йўқотилганларни излаб..."
19.45 Телесериал. "Яхши йигитлар". 2-серия.
*
Россия жамоат телевидениеси
20.45 "Хайрли тун, кичкинтойлар!"
21.00 "Время".
*
21.35 "Муҳаббат тарихи". Телесериал. 198-қисм.
22.20 "Оламда нима гап?" Ахборот кўрсатуви.
22.25 Спорт-клуб.
22.40 "Кино сайёраси".
23.00 "Вести".
23.30 Кинематограф. «Вулқон».
01.00 "Ахборот" (рус тилида)
01.25-01.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЖУМА 19

«Ўзбекистон» телеканали

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 "Ахборот".
***
8.30 Дутор ва танбур тароналари.
8.55 "Зийнат".
9.15 "Кундуз амакининг қиссалари". Мультсериал.
9.30 "Ишкнома". Адабий кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 "Ботма, қуёш". Публицистик кўрсатув.
10.30 Немис тили.
11.00 Ҳ.Муҳаммад. "Сеҳрли танбур". Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
12.05 "Ўзбекистон фуқароси".
12.25 "Мусиқа билан сирлашиб". Мусиқий дастур.
12.50 Тоҳир Малик. "Шайтанат". Кўп серияли бадиий фильм. 4-серия.
14.10-14.40 "Нафосат". Тележурнал.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Бир сиқим тупроқ».
18.25 "Адолат мезони".
18.45 "Сени Ватан кутади!"
19.05 "Имконият".
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.05 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 "Аруз гулшани".
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 "Ахборот".
21.05 Мулоқот: **"ХОТИРА ВА МИЛЛИЙ ҒОЯ".**
22.10 Тоҳир Малик. "Шайтанат". Кўп серияли бадиий фильм премьераси. 5-серия.
23.20 "Қўшиққа кўчган сатрлар". Мусиқий дастур.
23.45 "Ахборот".
"Мунаввар дунё". Дам олиш дастури.
00.15 "Валийлар сардори". Бадиий фильм.
01.45-01.50 Ватан тимсоллари.

TOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 "Янги авлод" студияси намойиш этади ("Дунё ва болалар", «Мульттомоша»)
18.35 Ҳужжатли кино бисотидан. "Қора-кул".
18.55 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 "Давр". Ахборот дастури.
19.30 "Стандарт ва сифат".
19.45, 20.35, 22.50 Эълонлар.
19.50 "Изқувар Заррас". Телесериал.
20.40 "Ҳамкорлик".
20.55 "Ҳуқуқ ва бурч".
21.10 "Наволарда аён этсам". Мусиқий дастур.
21.25 "Автосалтанат".
21.35 "Азизим".
22.00 "Давр". Ахборот дастури.
22.35 «Шарқ оҳанглари».
23.55 Синема. "Босс". Комедия.
00.25 "Мунаввар тонг истаб!"

ТТВ

17.55 ДАРАКЧИ.
18.05 Кўрсатувлар дастури.
18.10 "Ёрилтош". Мульттўплам.
18.35 "Ташналик". Телесериал.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 "Спорт оламида".
20.30 "Ахборот".
21.05 "Оқибат". Телесериал.
21.55 "Нодир хазина". Телефильм.
22.10 "Фаровонлик бекати".
22.50 "ДАРАКЧИ".
23.00 "Мусиқий сайёра". Телешоу.
24.00 Оҳанглар ва эълонлар.
00.10 "Кинонигоҳ".
01.40 "Хайрли тун, шаҳрим!"

«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси
7.30-9.00
14.30 Кўрсатувлар тартиби.
14.35 Мюзик-холл.
15.05-16.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16.10 Кундузги сеанс. "Бевафолик оқибати". Бадиий фильм.
17.40 Жаҳон янгиликлари (инглиз тилида)
18.10 Клип-антракт.
18.15 "Жентельмен-шоу".
18.45 "Мультсайёра".
Россия жамоат телевидениеси
19.15 "Сиҳат-саломатлик".
19.45 "Мўъжизалар майдони".
20.45 "Хайрли тун, кичкинтойлар!"
21.00 "Время".
*
21.35 "Муҳаббат тарихи". Телесериал. 199-қисм.
22.20 "Оламда нима гап?" Ахборот кўрсатуви.
22.25 "Дурдаршан".
23.00 "Вести".
23.30 Оскар совриндорлари антологияси.
23.45 Кинематограф. "Саккиз ярим". Бадиий фильм.
01.20 "Ахборот" (рус тилида)
01.45-01.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ШАНБА 20

«Ўзбекистон» телеканали

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.30 "Ахборот".
***
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.50 "Мусиқа бўстони". Телеальманах.
9.10 "Диёр".
9.45 Кундузги сеанс. "Одам амфибия". Бадиий фильм.
"Умид" намойиш этади:
11.15 "Очиқ дарс".
11.35 "Бола бошидан".
12.00 "Қувноқлар ва зукколар".
***
12.50 Тоҳир Малик. "Шайтанат". Кўп серияли бадиий фильм. 5-серия.
14.00 "Жараён".
14.30 "Ўзбекистон спортининг нуфузи".
14.45 "Бўстон". Тележурнал.
15.15-15.35 "Дўстлик" видеоканали. "Шарқ тароналари".
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. "Бешбармоқ".
18.25 "Иқтисод ва биз".
18.50 "Бахтли воқеа".
19.25, 20.25, 21.00, 22.05 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида)
20.20 "Жаҳон спорти".
20.30 "Ахборот".
21.05 Мулоқот: **"ИТТИФОҚМИ ЁКИ СИЁСИЙ ЎЙИН".**
22.10 Тоҳир Малик. "Шайтанат". Кўп серияли бадиий фильм премьераси. 6-серия.
23.20 "Келин-куёв". Телешоу.
00.10 "Ахборот".
"Тунги ёғду". Дам олиш дастури.
00.40 "Парадизо" кинотеатри. Бадиий фильм.1-қисм.
01.35-01.40 Ватан тимсоллари.

TOSHLAR TELEKANALI

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 "Янги авлод" студияси намойиш этади.
9.05 "Каркидонлар". Маърифий дастур.
9.50 "Сурур". Мусиқий дастур.
10.00 "Хуш келибсиз!"
10.15 «О, ёшлигим...»
10.40 «Мафтункор чехралар».
11.00 "Кусто командасининг сув ости саргузаштлари". Телесериал. 21-қисм.
11.40 "Сиз севган хонанда". Гулбаҳор Эрқулова.
12.00 "Ракурс".
12.25 "Баҳодиршоҳ Зафар». Телесериал. 2-қисм.
13.10 "Равнақ".
13.25 "Сир".
13.40 "Рақслар қанотида".
14.00 «Кунг-фу тарихи». Телесериал.
14.45 «Мушоира».
14.55 Мусиқий лаҳзалар.
15.05 Синема.
16.40 "Жаҳон жуғрофияси".
17.30 "Спорт ҳафтаномаси".
17.50 Мусиқий дастур.
***
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 "Янги авлод" студияси намойиш этади ("Ўй вазифаси", «Мульттомоша»)
18.40 "Қалбим ардоғи". Мусиқий дастур.
19.00 "Давр". Ахборот дастури.
19.30 "Йирик планда".
19.45, 20.30, 22.55 Эълонлар.
19.50 "Баҳодир шоҳ Зафар". Телесериал. 3-қисм.
20.35 Мусиқий лаҳзалар.
20.45 "Бизнес-академия".
21.05 Киноконцерт.
21.20 "Баҳс, мунозара, таҳлил..."
21.40 "Мусиқа теграсида".
22.00 "Давр". Ахборот дастури.
22.30 "Сенинг вақтинг".
23.00 Синема. "Заҳарланиш".
00.30 "Хайрли тун!"

ТТВ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 "Ёрилтош". Мульттўплам.
9.15 "Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари". Телесериал.
10.00 "Муаллиф".
10.30 Болажонлар экрани.
12.00 "Ханда дўкони".
12.25 "Бева Бланка". Телесериал.
13.10 "Билиб қўйган яхши".
13.25-15.00 "Кинонигоҳ".
***
17.55 "ДАРАКЧИ".
18.05 Кўрсатувлар дастури.
18.10 "Ёрилтош". Мульттўплам.
18.20 "Табиат шифохонаси".
18.30 "Қонун ҳимоясида".
18.40 "Мирза Голиб". Телесериал.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 "Янги ой чиққан кеча".
20.20 Дилором наволар.
20.30 "Ахборот".
21.05 "Тасанно".
21.30 "Даллас". Телесериал.
22.20 "Кимлар туфайли".
22.50 "ДАРАКЧИ".
23.00 "Дўстлик" видеоканали. "Чинсэн".
23.40 Оҳанглар ва эълонлар.
23.50 "Кинонигоҳ".
01.30 "Хайрли тун, шаҳрим!"

«Халқаро» телеканали

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 "Кино сайёраси".
9.25 Кинематограф. «Вулқон». Бадиий фильм.
11.15 "Муҳаббат дарси".
11.20 Жаҳон спорти янгиликлари (инглиз тилида)
11.50-12.05 «Келажакни кўзлаб».
***
17.10-18.40 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
Россия жамоат телевидениеси
18.40 "Кумушранг серия". «Табиб».
21.00 "Время".
*
21.35 "Биргаликда куйлаймиз".
22.20 "Бугуннинг аёли".
22.40 "Мусиқий Олимп".
23.05 Киносеанс. Мартин Скорсезенинг "Даҳшат кўрфази" фильми.
00.10 "Ахборот" (рус тилида)
00.35-00.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЯКШАНБА 21

«Ўзбекистон» телеканали

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.30 "Ахборот".
***
8.30 "Камалак". Болалар учун кинодастур.
9.15 "Мозийдан бир мўъжиза".
9.30 "Ёзувчи ва замон".
"Умид" намойиш этади:
10.00 "Ватанимга хизмат қиламан!"
11.00 "Болалигим — пошшолигим".
***
11.30 "Қувноқ стартлар". Телемусобақа.
12.10 Вилоят хонандалари куйлайди.
12.30 "Шохруҳ" клуби.
12.55 Тоҳир Малик "Шайтанат". Кўп серияли бадиий фильм. 6-серия.
14.05 "Санамлар сарвари".
14.55 Кўрсатувлар тартиби.
15.00 Футбол. Осиё кубок эгалари кубоги. "Пахтакор"-"Аль-Иттиҳод" (Саудия Арабистони). Танаффус пайтида - "Бахтиёр шаҳзода". Мультфильм.
16.50 "Ўзбектелефильм" намойиш этади. "Алла". Премьера.
17.10 "Олтин тож". Телевизион ўйин.
17.35 "Сеҳрли шуъла". Кинокўрсатув.
18.00 "Куйла, ёшлигим".
18.25 "Оила". Тележурнал.
18.55 "Ўзлик". Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар.
19.30 "Таҳлилнома" (рус тилида)
20.05 "Санъат олами".
20.30 "Таҳлилнома".
21.15 **МУЛОҚОТ: "МАҲАЛЛАНГ ОТА-ОНАНГ".**
22.15 "Телевизион миниатюралар театри".
22.50 "Якшанба оқшомида". Мусиқий-дам олиш дастури.
23.20 ТВ-1 намойиш этади. Телеанонс.
"Аср мўъжизаси" кинодастури.
23.35 Кино янгиликлари.
23.50 "Ўзбек киноси ижодкорлари".
00.10 "Парадизо" кинотеатри". Бадиий фильм. 2-қисм.
01.05-01.10 Ватан тимсоллари.

TOSHLAR TELEKANALI

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 "Янги авлод" студияси намойиш этади.
9.00 "Гаройиб Аляска". Маърифий дастур.
9.50 "Наволарда аён этсам".
10.05 «Лаззат».
10.25 «Бегойим».
10.45 «Сиз севган хонанда». Мавлуда Асалхўжаева.
11.05 "Кусто командасининг сув ости саргузаштлари". Телесериал. 22-қисм.
11.55 "Инглиз тили Сиз учун!"
12.25 Ватан ифтихори: Р.Қосимжоновнинг шахмат партиялари.
12.45 "Баҳодир шоҳ Зафар". Телесериал. 3-қисм.
13.25 "Синфдош".
13.45 "Дил рози". Мусиқий дастур.
13.50 "Кунг-фу тарихи". Телесериал.
14.35 "Интерфутбол".
15.05 Синема.
16.35 "Жаҳон жуғрофияси".
17.25 "Дунё ҳафта ичида".
17.45 "Шарқ эстрадаси".
***
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 "Янги авлод" студияси намойиш этади ("Бугуннинг боласи», «Мульттомоша»)
18.35 "Чет эл эстрадаси".
18.55 "Юртим кўрки".
19.00 "Давр". Ахборот дастури.
19.30 "Илк қадам". «Жозиба» гуруҳи.
19.40, 20.30, 22.50 Эълонлар.
19.45 "Баҳодир шоҳ Зафар". Телесериал. 4-қисм.
20.35 "Далил ва шарҳ".
20.45 "Мусиқа салтанати".
21.05 "Бари ҳазил".
21.20 "Очун".
21.45 «Миллионлар ўйини».
22.00 "Давр". Ахборот дастури.
22.30 "Кинопрофи".
22.55 Синема. "Бен Тайлер иши".
00.25 «Файзли оқшом». Концерт дастури.
00.45 «Хайрли тун!»

ТТВ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 "Ёрилтош". Мульттўплам.
9.25 Дилором наволар.
9.35 "Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари". Телесериал.
10.20 "Тасанно".
10.45 "Дурдона".
11.05 Болажонлар экрани.
12.30 "Спорт оламида".
12.55 "Таскин".
13.05 "Бева Бланка". Телесериал.
13.50 "Ёввойи табиат".
14.15-15.55 Такрорий фильмлар экрани.
***
17.55 "ДАРАКЧИ".
18.05 Кўрсатувлар дастури.
18.10 Мультжумбоқ.
18.35 "Акбарнинг саргузашти". Телесериал.
19.10 "Табриклаймиз, қутлаймиз!"
19.25, 20.00, 20.25 Эълонлар.
19.30 "Таҳлилнома" (рус тилида)
20.05 "Пойтахтимиз жамоли".
20.20 Манзарали фильм.
20.30 "Таҳлилнома".
21.10 "Даллас". Телесериал.
22.00 "Етти иқлим оҳанглари".
22.05 "Латифа".
22.20 "Жавоҳирлар соҳили".
22.40 "ДАРАКЧИ".
22.50 Оҳанглар ва эълонлар.
23.00 "Кинонигоҳ".
00.40 "Хайрли тун, шаҳрим!"

«Халқаро» телеканали

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 "Эртакларнинг сеҳрли олами".
10.20 "Парле ву франсэ?"
10.45 "Жонли сайёра".
11.00 Ўзбекистон янгиликлари (инглиз тилида)
11.10 Оскар совриндорлари антологияси.
11.25-13.00 Кинематограф. "Саккиз ярим".
17.10-18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Бенни Хил шоуси».
19.00 Раъно Шарипова куйлайди.
19.50 Кинематограф. «Кўзголончи». Бадиий фильм.
21.00 "Жонли тил".
21.30 "Бу ажиб дунё".
21.45 "Мюзик-холл".
22.05 Якшанба кинозали. «Ҳаракатдаги куч». Бадиий фильм.
23.35 "Таҳлилнома" (рус тилида)
00.05-00.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги «Рамб» МЧЖ
ТУГАТИЛАДИ
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

Тошкент шаҳар Бектемир туманидаги «Взлет» қўптармоқли тижорат фирмаси
ТУГАТИЛАДИ
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

«Ёзувчи» нашриёти жамоаси масъул ходим Журъат Камоловга қизлари
ШАҲНОЗАХОНнинг
бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдириб, мархумнинг оиласига Яратгандан сабр-бардош тилайди

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ
(бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ
(бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ
(масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ
(масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Ҳатлар ва оммавий ишлар — 133-47-80, 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Факс —133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
*Наманганда — 6-